Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
11 февраль
ШАНБА

№ 12
(12.440)

1928 йил 11 декабрда асос солинган
Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Пскент Паркент Ангрен Янгийўл Бўстонлиқ Бекобод Чирчиқ Зангиота Чиноз Тошкент Оққўрғон

## ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

### МАШҒУЛОТЛАР ЯНГИ ҲАВЗАДА

**Шаҳардаги Олимпия захиралари касб-ҳунар коллежининг очиқ ва ёпиқ сув спорти иншооти таъмирланиб, ёшлар учун ҳавас қилгулик шарт-шароит яратилди.**

Бу ерда "Осиё ФИБ" хусусий корхонаси бунёдкорлари 280,3 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажардилар.

Мазкур лойиҳа Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

## БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

### ЎҚУВЧИЛАРГА ТУҲФА

**Тумандаги 15-умумтаълим мактабида замонавий шароитларга эга ёпиқ спорт зали қурилди.**

Бунинг учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 246,3 миллион сўм сарфлади.

Қурилиш-монтаж ишларини "Машҳур" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари амалга оширдилар. Шу билан бирга ўқувчиларнинг оммавий спорт билан тўлақонли шуғулланишлари учун мактабга 33 хилдаги спорт инвентарлари туҳфа қилинди.

## ЗАНГИОТА ТУМАНИ

### ТЕХНОЛОГИЯ ХОРИЖДАН, ИШЧИЛАР ЎЗИМИЗДАН

**Тумандаги "Plastherm technology" масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ.**

Қисқа фурсатда бу ерда халқ хўжалиги ҳамда қурилиш коммуникациясида муҳим ҳисобланган полипроплин ва полиэтилен қувурлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари тўла хориж технологиясига асосланган. Корхона фаолият бошлаши билан 10 киши доимий иш жойига эга бўлди.

## ПСКЕНТ ТУМАНИ

### «ЁРҚИН»НИНГ ТУЛПОРЛАРИ

**Вилоятдаги чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари тармоқнинг истиқболли йўналишларини шакллантиришга ҳаракат қилмоқдалар.**

Хусусан, Пскент туманидаги "Ёрқин" фермер хўжалиги қўшимча йўналиш сифатида йилқичилик билан шуғуллана бошлади. Айни пайтда бу ерда 50 бош наслли тойлар парваришланмоқда. Бунинг учун хўжаликнинг ўз маблағи ҳамда банк кредити ҳисобидан 65 миллион сўм сарфланди.

**Хабарларни Азиз РАҲМАТОВ тайёрлади.**

ТОМОРҚА – ТУГАНМАС ХАЗИНА



# ЛИМОНЧИЛИКДА УСТАСИ ФАРАНГ

**Розиқовлар хонадони ҳақида гап очилса, бўкаликларнинг чеҳрасига табассум югуради. Бу – ҳавасдан.**

Ҳақиқатан ҳам "Гулистон" маҳалласидаги бу оиланинг яшаш тарзига ҳавас қилса, арзийди. Хонадоннинг томорқа ери – эл қатори. Аммо, шу бир қулочгина ер Худби ая Розиқованинг саъй-ҳаракатлари билан аллақачон оиланинг хазинасига айланган.

– Ер – хазина деган гапни ҳамма билади, – дейди ая. – Аммо, ҳамма ҳам томорқасини хазинага айлантиравермайди. Зеро, ҳамма бирдек ҳафсалали эмас. Ҳафсала эса, муваффақиятнинг боши. Томорқасига қараган ўзгалар қўлига қараб қолмайди.

Худби аянинг гапигина эмас, иши ҳам шундай. Унинг уч ўғли, уч қизи бор. Ҳар бирининг ўз касбкори бўлишига қарамай, томорқага қачон, қанақа экин экишни ва қандай парваришлашнинг ҳам ҳаддини олишган.

– Биз оилавий пудратчимиз десак ҳам бўлаверади, – дейди Х. Розиқова. – Ҳар бир ўғил-қизимнинг томорқада бажарадиган ўз иши бор. Асосан сабзавот ва ошкўклар етиштирамиз. Мевали дарахтларимиз ҳам кўп. Қишлоқда яшаб, томорқа ерига эга бўла туриб, уни рўзғорнинг баракасига айлантирмаслик – катта йўқотиш. Томорқамиз маҳсулотлари қишин-ёзин дастурхонимиздан аримайди. Ўзимиздан ортганини бозорга олиб бориб сотамиз. Йилига ўртача 12-13 миллион сўм даромадимиз бор. Тўкин-сочин яшашдан ташқари орзу-ҳавасларимизга ҳам етиб-ортади.

Бу пудратчи оила сабзавот ва ошкўклар билан қаноатланиб қолмайди. 1,5 сотихли иссиқхона қуришган. Бу ерда асосан лимон етиштиришади. Худби ая Бўка туманида "лимончиликнинг пири" сифатида ҳам танилган. Оила етиштирадиган турфа гулларнинг сифати ва чиройига-ку, гап йўқ. Атиргул, чиннигул, картошкагулларнинг бозори ҳамиша чаққон. Корхона, ташкилот, муассасалардан тушадиган буюртмаларнинг кети узилмайди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# ОИЛАЛАР МАНФААТИ – ҲИМОЯДА

**Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкини асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматларининг кўлами ва сифатини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда ушбу хизматларнинг замонавий турлари жорий этилиб, соҳада рақобат муҳити ривожланмоқда. Суғурта ташкилотлари капиталлашув даражасининг оширилиши натижасида уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланаётир.

"Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси – ана шундай барқарор хизмат кўрсатиб келаётган молия ташкилотларидан бири. Ҳозирги кунда компаниянинг қарийб 190 ҳудудий бўлинмаси, 21 шўъба корхонаси ва 600 га яқин агентлик шохобчаси аҳолига кенг кўламли суғурта хизматларини кўрсатмоқда. Корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар мулкини, транспорт воситаларини суғурталаш, ихтиёрий-тиббий суғурталаш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шулар жумласидандир. Айни пайтда компания экинларнинг турли табиий офатлар, зараркунандалар ва касалликлар оқибатида нобуд бўлишидан кўриладиган молиявий зарарларни қоплашда фермерларга яқиндан кўмаклашаётир.

"Ўзагросуғурта" компаниясидан маълум қилишларича, компанияда суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш мақсадида жисмоний шахслар учун кенг ҳажмдаги "Мустаҳкам оила" ва "Мустаҳкам оила равнақи" деб номланган янги хизматлар ишлаб чиқилган.

"Мустаҳкам оила" хизмати бахтсиз ҳодисалар, меҳнат лаёқатини йўқотган ёки ўлим ҳолларида суғурталанган киши ва унинг оиласига моддий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Олинган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятни қоплаш ҳам ана шундай имкониятлар сирасига киради.

"Мустаҳкам оила равнақи" суғурта хизмати аҳолининг мол-мулкига етиши мумкин бўлган зарарлар, бахтсиз ҳодисалардан суғурта ҳимоясига қаратилган бўлиб, мол-мулкни ёнғин, портлаш, зилзила ва бошқа табиий офатлардан суғурта қилади.

Маълумки, бахтсиз тасодиф оқибатида инсон ҳаёти хавф остида қолиши билан бирга жабрланувчи, унинг оиласи катта миқдорда моддий зарар ҳам кўради. Фуқароларни бундай нохуш вазиятларда қўллаб-қувватлаш мақсадида таклиф этилаётган мазкур хизматларда бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, бахтсиз ҳодисалардан оилавий суғурта қилинса, товон пули тўрт миллион сўм бўлиб, суғурта жавобгарлиги учун 0,15 фоиз миқдорида тариф қўлланилади. Йиллик суғурта бадали олти минг сўм этиб белгиланган.

Кутилмаган тасодифлардан ҳеч ким тўла ҳимояланган эмас. Ҳар бир инсоннинг хавфсизлик қоидаларига тўла амал қилиши ва ўз мол-мулкини суғурталаб қўйиши оилалар мустаҳкамлигига хизмат қилади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

### ХИЗМАТ МИЖОЗЛАРГА МАЪҚУЛ

**Пскент туманида тадбиркор Анвар Маҳмудов саъй-ҳаракати билан ташкил этилган "Анвархон савдо люкс" хусусий корхонаси аҳолига турли хилдаги маиший ва савдо хизмати кўрсата бошлади.**

Бу ерда савдо нуқталари билан бир қаторда интернет ва сартарошхона хизмати ҳам йўлга қўйилди. Муҳими, мажмуада 10 нафар ёш иш билан таъминланди.

**Иномжон ТУРДИЕВ.**

2012 йил учун ОБУНА давом этмоқда. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

# ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИ МУКАММАЛ БЎЛГАНИ ЯХШИ

**Депутат деганда, халқ билан ҳамнафас, унинг орзу-истакларини, муаммоларини бирдек ҳис этувчи, элим-юртим деб ёниб юрувчи фидойилар кўз олдимизга келади. Юртимизда халқ фаровонлиги, юрт равнақи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни назорат қилиш депутатдан катта масъулият ва фидойилик талаб этади.**



Вилоят ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ташаббуси билан "Халқ депутатлари Тошкент вилояти, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларини ҳамда доимий комиссиялари мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш (кун тартибини шакллантириш) ва ўтказиш, қабул қилинган ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари" мавзусидаги ўқув-семинарида шу хусусда баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

Унда Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари қошидаги доимий комиссиялар раислари, ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, вилоят, туман ва шаҳар ижтимоий-сиёсий газеталари муҳаррирлари, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

– Ҳозирги кунда Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида сессияларни ўтказиш, уларда муҳим масала ва муаммоларни кун тартибига қўйиш борасида етарли тажриба ва кўникма шаклланди, – деди семинарни олиб борган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси ўринбосари, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси Мавжуда Ражабова. – Бироқ, шу билан бирга айрим депутатлар ва комиссиялар ишида сусткашликлар кўзга ташланмоқда.

Йиллик режаларни тайёрлаш, кенгаш муҳокамасига муаммоларни олиб чиқиш, сессияларга тайёргарлик кўриш, уни юқори савияда ўтказишда ҳам оқсоқликлар учраб турибди.

Аксарият ҳолларда доимий комиссиялар амалга оширган ишлар ҳам кенг оммага етказилмайди. Оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик ҳамда уларда доимий чиқишлар қилишни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# ФАХР-ҒУРУР МЕҲРОБИГА МУНОСИБ ҲИЛҚАТ

**Табиатан инсон бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ, мукаммал яратилган. У дунёни қутқарувчи гўзалликни севади, идрок этади ва ардоқлайди. Одамзотнинг ҳис-туйғулари, табиати ҳеч бир жонзотникига ўхшамайди. Фақат, бу мукаммаллик, беқиёслик сифатлари ҳар кимга ҳар кўринишда насиб этган. Бу эса Яратганнинг иноятидир.**



Бундай табаррук иноятга нозил бўлганлар орасида халқимизнинг суюкли фарзанди, жаҳонаро ғурур ва ифтихори, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам бор. У ўзбек адабиёти осмонидаги энг ёрқин юлдузлардан. Ажабким, Бобурнинг нафақат шоирлик, балки шоҳлик мақомига ҳам эл-юрт орасида ҳурмат, эъзоз кучли бўлган. Одатда подшолар ҳақида сўз борганда, кўпроқ зулм, зўравонлик жиҳатлари юзага қалқиб чиқади. Аммо, Бобур шахсига унинг авлоди деярли 300 йилдан кўпроқ ҳукмронлик қилган Ҳиндистон халқи номидан атоқли давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру берган таъриф, холисона баҳо гўё халқимиз, миллатимиз шаънига буюк эҳтиром ва эътирофни ифодалайди:

"Бобур дилбар шахс эди. Уйғониш даврининг ажойиб султони, кучли тадбиркор киши бўлиб, санъатни, адабиётни, гўзалликни севар эди. Бобур ҳам энг фасоҳатли ва ориф кишилар сирасига мансуб эди"...

Бобур ҳақида жуда кўп ва хўп фикрлар айтилган. Уларнинг аксариятида самимий дил изҳорлари, меҳр-муҳаббат туйғулари уфуриб туради. Тўғри, инсон сифатида мураккаб тақдир синовлари ҳар алфозга солганда, улуғ мақсадлари рўёбига умид унинг омон қолиши, Темурийлар салтанати қудратини намойиш эта олишига имкон бергандир. Аммо, ўзига нисбатан ҳамиша талабчан бўлган самимий қалб эгаси ҳар қадамда ўзига-ўзи ҳисоб берган.

*"Толе йўқи жонимға*
*балолиғ бўлди,*
*Ҳар ишники айладим,*
*хатолиғ бўлди.*
*Ўз ерни қўйиб, ҳинд*
*сори юзландим,*
*Ё Раб, нетайин, не юз*
*қаролиғ бўлди".*

(Давоми 3-бетда).

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

**14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**

# ФАХР-ҒУРУР МЕҲРОБИГА МУНОСИБ ҲИЛҚАТ

Аммо, адабиётшунос, бобуршунос олим Эргаш Очилов таъкидлаганидек, у ҳаётнинг кўзига тик қарайди, тақдир зарбаларидан довдираб қолмайди... бегона юртларда жон сақлаб қолдигина эмас, балки 332 йил ҳукм сурган буюк бобурийлар салтанатига асос солди...

Адолатни байроқ қилган ҳукмдор сифатида доимо эзгулик тарафдори бўлиб келди.

*"Бори элга яхшилик қилғилки,*
*мундин яхши йўқ, –*
*Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!"*

Бундай бағрикенглик, инсоний фазилатлар унинг авлодлари ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутганлиги тарихдан маълум. Улар ҳақида ёдномалар, хотиралар, ажойиб кинофильмлар яратилган. Ҳинд киноижодкорлари суратга олган "Акбар ва Жодха" фильми ҳам Бобурийлар сулоласига бўлган чуқур ҳурмат, эҳтиромни билдирса ажаб эмас. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини, инсоний фазилатларини йўқотмаган Жалолиддин Ҳиндистоннинг нафақат бир гўзал маликасини, балки халқининг ҳам қалбини ром этди. Оқибатда уни "улуғ ҳукмдор", яъни "Акбаршоҳ" дея атай бошлашди.

Элу юртга тинчлик, осойишталик, фаровонлик олиб келган, шунга астойдил ҳаракат қилган ҳукмдор борки, халқ томонидан чуқур муҳаббат билан тилга олинади, эъзозланади. Бобурийлар қурган сон-саноқсиз маданий, тарихий обидалар ҳам ўзбек меъморчилик санъати довруғини оламга намойиш этди. Дунёнинг етти мўъжизасидан бири Тож Маҳални ким билмайди дейсиз. "Қутб минори", "Пурана қалъа", "Лаъл қалъа" (Редфорт), "Агрофорт қалъаси" ва бошқа масжид, хонақоҳлар, архитектура ва меъморий ёдгорликлар ўз маҳобати, бетакрорлиги билан асрлар оша жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Истиқлол шарофати билан юртдошларимиз нафақат Бобур шахсини, ижодини кенг ўрганиш, балки унинг авлодлари бунёд этган гўзал иншоотларни бориб кўриш, шу кунгача сақланиб қолган "Шоҳ Жаҳон", "Акбаршоҳ", "Аврангзеб" каби кўчалардан юриб, завқланиш имкониятига эга бўлишди. Нафақат шеърлари, балки беҳисоб хайрли амаллари билан инсоният тарихида муносиб ўрин эгаллаган аждодимиз Бобур Мирзо мустақиллик сабаб ўз юрти, Ватанига қайтди. Юртбошимиз айтганларидек: "Юксак маънавият – енгилмас куч".

Халқимизнинг бeқиёс маънавий, маърифий бойликлари қаторида шоирнинг "Бобурнома" ва бошқа шеърий асарлари, девонлари мустақил Ўзбекистон ёшларининг энг севимли асарлари бўлиб қолаверади. Зеро, Ватан, она юрт соғинчи, ҳижронига тоқат қилиб, шеър, ғазалларидан юпанч топган қалб наволари инсонийлик, ватанпарварлик, вафо ва садоқатдан сўзлайди, илму урфон энг улуғ мезон эканлигини такрор-такрор уқтиради.

*Ким ёр анга илм, толиби илм керак,*
*Ўргангали илм толиби илм керак,*
*Мен толиби илму толиби илм йўқ,*
*Мен бормен, илм толиби – илм керак.*
* * *
*Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз!*
*Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз!*
*Чун гардиши чарх будурур, Тангри учун,*
*Бир-бирин неча куни ғанимат тутингиз.*
* * *
*Улким, анга илм ичра ғолиб йўқтур,*
*Дерларки, бери келурға толиб йўқтур.*
*Дедимки, бу сўз рост эмастур негаким,*
*Толибни тилар аҳдаки, толиб йўқтур.*
* * *
*Эй боди сабо, айла Хуросонга гузар*
*Мендин дегил ул ёри паришонға хабар,*
*Неча сафар ўз кўнглунг учун қилғайсен,*
*Эмди бизнинг учун айла бу ёнға сафар.*

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2012 йил 14 март соат 17.00 да очиқ тендер ўтказилади.**

**1. Битта пакет билан:**
**ШИ-1 й.т.** "МЖК – Оптика"
**ВХ-298 й.т.** "Ниёзбош қишлоғи – Халқаобод қишлоғи"
**ВХ-223 й.т.** "Янгийўл шаҳар деҳқон бозори – Паррандачилик фабрикаси"
**2. Битта пакет билан:**
**ВХ-227 й.т.** "Янгийўл шаҳар бозори – Янгийўл ф/у 3-бўлим"
**ВХ-232 й.т.** "Янгийўл шаҳар бозори – М. Улуғбек ф/у"
**ВХ-278 й.т.** "Янгийўл шаҳар бозори – Навоий ф/у"
**ВХ-280 й.т.** "Янгийўл шаҳар бозори – Х. Турсунқулов қ.ф.й."
**4. Битта пакет билан:**
**ВХ-281 й.т.** "Жун ариқ маҳалласи – ЎзМЭИ"
**ВХ-282 й.т.** "Янгийўл деҳқон бозори – Штаб канали"
**ВХ-305 й.т.** "Гулбаҳор қўрғони – Дам олиш уйи"
**ВХ-306 й.т.** "Гулбаҳор қўрғони – Халқаобод қўрғони"
**5. ШИ-5 й.т.** "Қалмоқир бошқармаси – 5/3-кичик ноҳия" (Олмалиқ ш.)
**6. ШИ-9 й.т.** "Аммофос ОАЖ – Марказий бозор" (Олмалиқ ш.)
**7. ШИ-18 й.т.** "Тоҳир дўкони – Ангрен кўмир кони" (Ангрен ш.)
**8. ШИ-24 й.т.** "Депо – 5/2-кичик ноҳия "(Олмалиқ ш.)
**9. ШИ-25 й.т.** "5/2-кичик ноҳия – Аммофос ОАЖ "(Олмалиқ ш.)
**10. Битта пакет билан:**




**ВХ-367** "Янгибозор АШБ – А. Яссавий ф/у"
**ВХ-385** "Паркент АШБ – Чотқол қишлоғи – Чирчиқ АББ" (Паркент томондан)
**11. Битта пакет билан:**
**ВХ-383** "Паркент АШБ – Машинасозлар АШБ"
**ВХ-376** "Янгибозор АШБ – Қўйлиқ АШБ"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Авиасозлар кўчаси, 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)-нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2012 йил 9 март соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2012 йил 13 март соат 18.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали.**
**Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**

# АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ

**Сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий, унинг ҳаёти ва ижоди ортиқча таърифга муҳтож эмас. Уни билмаган зиёли, ҳатто оддий ишчи йўқ орамизда. Лекин, шоир ижодини англаш, идрок этиш учун фақат Навоийни билиш камлик қилади. Гўё уммон тубидаги дуру жавоҳирлар мисол, ҳар гал бирор шеъри, ғазалини ўқиган киши уларни териб улгурмайди, қувваи ҳофизасига сиғиши қийиндек кўринади. Билъакс, жавоҳирлар жилосидан жуда эрта, илк болалик давриданоқ баҳраманд бўлмоқ зарур.**






Истиқлол йиллари бундай имконият эшиклари кенг очилди. Ҳозир ҳатто, боғча боласи ҳам Навоийни фахр ва ғурур билан тилга олади. Боғча, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртларида миллатимиз қуёши Ҳазрат Алишер Навоийга бағишлаб ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар ўзлигимизни англаш, ҳис этишда муҳим аҳамиятга эга.

Янгийўл туманидаги 74-мусиқа ва санъат мактабида шундай қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. "Миллий маънавиятимизни мустаҳкамлаш ва баркамол авлод тарбиясида Алишер Навоий меросининг ўрни" мавзусидаги тадбир Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси вилоят ва туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилди. Унда туман ҳокимлиги, партиянинг вилоят ва туман кенгаши аъзолари, мусиқа мактабининг ўқитувчи ва ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Учрашувда аллома шоиримиз Навоийнинг бой ижодий мероси, унинг ёшлар тарбиясидаги беқиёс ўрни, миллий қадрият ва маънавиятимизга дахлдор жиҳатлари ҳақида сўз борди. Мусиқа мактаби ўқувчилари шоир ғазал ва қўшиқларини ижро этиб, ҳаётига доир саҳна асарларидан парчалар намойиш этишди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

**2012 йил 24 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига Зангиота туман Суд ижрочилари бўлими томонидан такроран қўйилган:**

1. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Зангиота туманлараро судининг 2010 йил 14 сентябрдаги 1-17050/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мингбоев Т.га тегишли, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Масалбой ҚФЙ, Зуҳриддин кўчаси (аввалги Санатория кўчаси) 2/2-уйда жойлашган, умумий яшаш майдони 168,36 м.кв. бўлган тураржой.

**Бошланғич нархи – 49 000 000 сўм.**

2. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Зангиота туманлараро судининг 2010 йил 14 сентябрдаги 1-17050/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Исахов Р.Ш.га тегишли, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Масалбой ҚФЙ, Ёшлик кўчаси, 64-уйда жойлашган, умумий яшаш майдони 96,2 м.кв. бўлган тураржой.

**Бошланғич нархи – 80 000 000 сўм.**

Ушбу кўчмас мулкларнинг такрорий очиқ аукцион савдолари 2012 йил 24 февраль куни соат 11.00 бўлиб ўтади.

**2012 йил 13 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига Янгийўл туман Суд ижрочилари бўлими томонидан қўйилган:**

1. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 2011 йил 6 октябрдаги 1-9713/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "O'TKIR" ХИЧТФга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси, 34-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 2728,90 м.кв. бўлган, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

**Бошланғич нархи – 180 000 000 сўм.**

2. Тошкент вилоят Хўжалик судининг 2011 йил 23 мартдаги 11-10-26/21092-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "O'TKIR" ХИЧТФга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси, 34-уйда жойлашган, умумий майдони 3296,0 м.кв., қурилиш ости майдони 1940,50 м.кв. бўлган ётоқхона бино ва иншоотлари.

**Бошланғич нархи – 742 160 000 сўм.**

3. Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2011 йил 23 августдаги 10-1117/9937-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Monolit Krovlya" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Холниёзов кўчаси, 54-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 2670,63 м.кв. бўлган маъмурий бино, тарозихона, қозонхона, 3 та бостирма, ювиниш хонаси, ҳожатхона, сув тармоғи, ўтиш жойи, ошхона, 4 та омборхона, архив, ёнилғи-мойлаш омбори, тахта тилиш цехи, 2 та қоровулхонадан иборат таъмирталаб нотураржой.

**Бошланғич нархи – 400 000 000 сўм.**

4. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Зангиота туманлараро судининг 2011 йил 15 июлдаги 1-6615/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Махмудова Г.А.га тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, С. Айний автобус бекатида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 182,19 м.кв. бўлган савдо дўкони ва икки дона навес.

**Бошланғич нархи – 48 000 000 сўм.**

2012 йил 13 март кунги очиқ аукцион савдоларида сотилмаган кўчмас мулкларнинг такрорий очиқ аукцион савдолари 2012 йил 28 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда, соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир кўчмас мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24.**
**Лицензия RR-0017.**

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Янгийўл тумани СИБ томонидан, Янгийўл туман "Гулбаҳор матлубот савдо" МЧЖ омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1. "Ваз-21063" русумли, д/р 11W2694 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 22.12.2009 й., №436-10. Бошланғич баҳоси – 4 484 853 сўм. 2. "Камаз-5320" русумли, д/р Х897ОСМ бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.04.2010 й., №6693/3. Бошланғич баҳоси – 21 351 931 сўм.

Янгийўл туман "Ўткир" ХФ жарима майдончасда сақланаётган: 3. "Камаз-53212" русумли, д/р 10G354АА бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.12.2010 й., №11694/1. Бошланғич баҳоси – 19 522 750 сўм. 4. "Камаз-53212" русумли, д/р 11Е7924 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.12.2010 й., №11693/1. Бошланғич баҳоси – 17 995 090 сўм.

Аукцион савдосига такроран Қуйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти судининг 09.11.2009 йилдаги 11-0926/14235-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Шоликор ММТП"га тегишли, "Шоликор ММТП"да сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "Кейс-2166" русумли, д/р 329ЕД бўлган, 1996 йилда и/ч комбайн. Бошланғич баҳоси – 134 469 300 сўм. 2. "Магнум" русумли, д/р.сиз, 1997 йилда и/ч трактор. Бошланғич баҳоси – 16 057 863 сўм. 3. "Камаз-5511" русумли, д/р 11AR080 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 003 606 сўм. 4. "Камаз-55102" русумли, д/р 11AR076 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 073 157 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 28 февраль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 24 февраль куни соат 18.00.

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситаларининг аукцион савдолари ҳақида олдин "Ташкентская правда" газетасининг 08.02.2012 йилдаги 11-сонида хабарнома чоп этилган.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika Mulk markazi" ЁАЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

Мулкдорлар диққатига! Сиз учун имконият.

"Respublika mulk markazi" YoAJ Сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автомототранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар "Respublika mulk markazi" YoAJнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

"Respublika mulk markazi" YoAJ Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

**«KELES LUKS TRANS SERVIS» МЧЖга тегишли қуйидаги:**

| | | |
|---|---|---|
| 0016153 | ГАЗ-322132 | 30W0027 |
| 0016155 | ГАЗ-2705 | 11T1801 |
| 0016536 | ГАЗ-2705 | 11X5104 |
| 0016931 | XUNDAI STAREX | 01X328EA |
| 0016932 | СПГ ГАЗ-322132 | 01G483HA |
| 0016933 | ГБА СПГ ДАМАС DAEWOO | 10Q460BA |
| 0016934 | DAMAS DAEWOO | 10A162AA |
| 0016935 | ГБА СПГ ДАМАС DAEWOO | 10T560AA |
| 0016936 | DAMAS DAEWOO | 10F761DA |
| 0017795 | ДАМАС УСТ ГАЗ | 01Y785AA |
| 0018596 | DAMAS DLX | 01Y636EA |
| 0018928 | ГАЗ-2705 | 11X5104 |
| 0020310 | СПГ ГАЗ-322132 | 01G483HA |
| 0020313 | DAMAS | 01M102BA |
| 0020683 | DAMAS GM UZ | 10V490BA |
| 0020684 | ГБА СПГ ГАЗ-32213-14 | 10N103AA |
| 0020685 | ГАЗ-322132 | 30W0027 |
| 0020686 | ГБА СПГ ГАЗ-322132 | 10G721AA |
| 0021136 | ГАЗ-2705 | 11X5104 |
| 0021138 | ГБА СНГ ГАЗ-322132 | 10W013AA |
| 0022103 | СПГ ГАЗ-322132 | 01G483HA |
| 0022106 | ГБА СПГ ГАЗ-322132 | 10O587BA |
| 0020312 | ГБА СНГ ДАМАС | 10Y562BA |

**рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

# «AGROSANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ

## очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Чилонзор туман СИБ томонидан 22.08.2008 йилдаги № 2-138-08 сонли ижро варақасига асосан, Учтепа тумани катта Хирмонтепа кўчаси, 25-уйда жойлашган, жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч, дав-.бел. 30 Z 0260 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 19 645 175 сўм. 2. Чилонзор туман СИБ томонидан 22.12. 2011 йилдаги №6-2847 сонли ижро варақасига асосан, Учтепа тумани катта Хирмонтепа кўчаси, 25-уйда жойлашган, жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч, дав.бел. 60 V 065 AA бўлган "Нексия" 1,5 ДОНС русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 21 992 000 сўм. 3. Чилонзор туман СИБ томонидан 12.08.2008 йилдаги №2-57-2008-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган (Шартли Мелиса жарима майдончаси)-да сақланаётган, 1994 йилда и/ч., дав. бел. М47-25 бўлган "Форланд" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 8 919 380 сўм.

Босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдолари 2012 йил 13 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспортларни сотиш юзасидан такрорий аукцион 2012 йил 30 март куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида "Agrosanoat Mulk Markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: 250-52-04.**

Нормухамедов Аброр Баходырович номига 2009 йил 26 февралда берилган O`Y № 218461-3119-54 рақамли ҳужжат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 08.10.2007 йилда реестр рақами 001826-01 (ИНН 300585689) билан рўйхатга олинган "GUL-LAZZAT SERVISE" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 189 848 407 сўмдан 167 630 120 сўмга камайганлигини маълум қилади.

ООО "MASJEST SERVIS" сообщает об уменьшении уставного фонда с 2 000 000 000 (два миллиарда) до 225 000 000 (двести двадцать пять миллионов) сум.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг
Тел: 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

## XXI аср ва дунё

# НИДЕРЛАНДИЯДА КАНАЛЛАР МУЗЛАДИ

**AFP агентлиги тарқатган хабарда таъкидланишига кўра, кейинги 15 йил давомида юз берган қаттиқ совуқ туфайли каналлар биринчи марта музлади.**



Бундан ташқари, Венеция ва Париждаги каналлар ҳам музлаб қолди. Январнинг иккинчи ярмида Европага "ташриф буюрган" совуқ иқлим камида 368 кишининг умрига зомин бўлди. Совуқ қурбонларининг кўпчилиги бошпанасиз кишилар.

Совуқдан, айниқса, Украина кўпроқ жабр кўрди. Мамлакатда совуқ кунлар бошлангандан буён 135 киши ҳалок бўлди. Айрим Европа мамлакатларида ҳаво 39 даражагача совиб кетди. Латвияда ҳаво ҳарорати -31, Швейцарияда -35, Украинада -36 даражага тушди. Италия ҳам совуқдан жиддий азият чеккан мамлакатлар қаторидан жой олди. Совуқ сабабли Римда мактаблардаги ўқув машғулотлари тўхтатилди. 60 мингга яқин туржойлар электр қувватисиз қолди. Тоскан ва Умбрия минтақаларида кучли қор ёғиши кутиляпти.

Францияда қаттиқ совуқ оқибатида мамлакат аҳолиси электр қуввати истеъмоли бўйича рекорд натижани қайд этди. Бир қатор давлатлар, жумладан, Сербияда фавқулодда вазият эълон қилинди. Sky Newsнинг хабар беришича, кучли қор сабабли тахминан 100 та аҳоли пункти билан алоқа узилди.

Кўп қор ёғиши аэропортларнинг ишига ҳам таъсир ўтказди. Масалан, Лондондаги йирик Хитроу аэропорти тўрт-беш кун аввал 1200 та рейсни бекор қилишга мажбур бўлди. AFP агентлигининг маълум қилишича, ҳатто, Африкадаги айрим мамлакатларда ҳам қор ёғди. Хусусан, Жазоир ва Туниснинг жанубида 40 йилдан буёғига, умуман, қор ёғмаган эди.

## НИГОҲ

# Қирғизистон: ЭКСТРЕМИСТ ДАСТМОЯЧИЛАР УЧУН «КИР ЮВИШ МАШИНАСИ»

**Диний экстремистлар, айтиш мумкинки, Қирғизистонни очиқдан-очиқ чулғаб олмоқдалар. "Муслим" ислом бизнес-агентлиги билан ҳамкорлик бу жараёнда янгилик бўлди. Бу "битлиқи" идора орқали кўп маблағлар оқиб ўтади. Аммо, улар хайрли ишларга сарфланмайди. Масалан, ислом бизнесчилари Жалолободдаги "Айти" масъулияти чекланган жамияти билан илиқ муносабат ўрнатишган. Маҳаллий фуқаро Ойбек Тошбоев бошлиқ жамият савдо ва коммуникация ҳамда алоқа хизмати кўрсатиш билан шуғулланади. У пойтахтдаги ҳамкорларига бир нечта автомашина ажратди. Бундан ташқари жанубликлар республикадаги масжид, мадраса ва бошқа диний муассасалар қурилиши учун муайян миқдорда маблағ сарфлашмоқда.**



Айбларини шу йўл билан беркитяптилармикин?

Умуман, "Муслим" бизнес-агентлиги фақат "Айти" билан ишлашдан қаноатланиб қолмаяпти. Унинг шериклари сафида асосан мамлакат жанубидан бўлган ўнлаб хусусий фирма ва корхоналар бор. Айрим маълумотларга қараганда, "Муслим" орқали ўтказилаётган маблағларнинг бир қисми турли диний ташкилотларни молиялаштиришга йўналтириляпти. Кейинчалик мамлакатимиз кенгликларини қамраб олувчи Ҳизб-ут-таҳрирчилар ва бошқа диний экстремистлар айнан ушбу ташкилотлар паноҳида "туп қўйиб, палак ёзадилар". Тутдай тўкилиб бораётган мамлакатимиз шу тариқа бутунлай ўраб-чирмаб олинаяпти.

Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Негаки, бўлиб ўтган иккита инқилоб, ўтган йилги ўзбекларни қирғинбарот қилиш ҳамда иқтисодий таназзул оқибатида ҳокимият тепасида хоҳлаганларини қилаётган оқсуяк арбобларнинг обрўси тез пасайиб бораяпти. Ҳатто, айтиш мумкинки, миллатнинг энг сара намояндалари бўлмиш маҳаллий сиёсатчиларга ишонч қолмади ҳисоб. Уларни коррупцияда ва бошқа қатор ножўя хатти-ҳаракатларда айблаш республика оммавий ахборот воситаларининг асосий мавзусига айланди. Айниқса, президент сайлови даврида бу ҳол янада авж олди.

Умуман, бу сиёсатчилар акаевчилар, боқиевчилар, ҳатто, кейинги ўтиш даврида ҳокимият тепасида турганларга суйкалиб юрадилар ва шу боис моддий жиҳатдан муаммолари бўлмайди. Тепадагилар пул, "ёғли" жой ва президент курсисини тақсимлашаётганда, табиийки, экстремизм хавфи янада кучаяди. Айниқса, расмий диний ҳокимият (Қирғизистон мусулмонлари диний бошқармаси – ҚМДБ) ҳам дунёвий ишларга кўмилган ва "ғойибдан" келган пул, очиқ айтадиган бўлсак, ҳаж сафари муносабати билан тушадиган пораларни тақсимлаш билан банд бўлсалар хавф авж нуқтага чиқади. Мен Қирғизистоннинг Саудия Арабистони республикамиз учун ажратган ҳаж йўлланмаларини хорижликларга 2000 долларга ноқонуний сотганликда айбланаётган бош муфтий Чуба ажи Жалилов теграсида авж олган жанжални назарда тутаяпман.

Давлат Миллий хавфсизлик қўмитаси (ДМХҚ) раҳбарининг ўринбосари Қолбой Мусаев ноанъанавий ислом диний ҳаракати тарафдорлари томонидан мамлакатга таҳдид кучаяётганини эътироф этди: "Қирғизистонда раҳбарлари Покистонда турадиган "Таблиғи жамоат" ҳаракати фаолияти кучайди". Чекист "Таблиғи жамоат" тарафдорлари дунёвий ҳаёт тарзини тан олмаслигини, ўзини гўё ҚМДБ раҳбариятига бўйсунадигандек кўрсатишини таъкидлади. Амалда эса, улар "Таблиғи жамоат"нинг Покистон давлатининг Райван шаҳридан буйруқлар бериб турувчи етакчилари белгилаб бераётган вазифаларни сўзсиз бажариш билан шуғулланмоқдалар. "Уларнинг асосий мақсадлари – Қирғизистон ва Марказий Осиё мамлакатларида ислом "халифалиги"ни ўрнатишдан иборат" – хулоса қилади Қолбой Мусаев.

ДМХҚ раҳбарларидан бири муфтийликни диний экстремизмга қарши курашда фаоллик кўрсатмаётганликда айблади. Дарвоқе, биздаги маълумотларга қараганда, фақат Аравон туманининг ўзида шимолий вилоятлардан таблиғликларнинг тўққизта гуруҳи фаол ҳаракатда. Уларнинг бештаси Чуй, учтаси Иссиққўл вилоятлари ва биттаси Бишкекда.

Аммо, ҚМДБнинг бу ҳақда, ҳатто, ўйлашга ҳам вақти йўқ ҳозир. У бундан-да "муҳим"роқ иш – одамларни ҳаж сафарига юборишдан тушаётган пулларни санаш билан банд. Экстремистлар эса, сабр қилиб туришсин.

Шу ўринда хаёлга бир савол келади: "Бу арбобларнинг ҳаммаси, яъни ҚМДБ аъзоларининг ўзлари Қирғизистондаги вазиятни баттар беқарорлаштиришдан манфаатдордирлар?" Қарабсизки, халқнинг ўзи дунёвий йўлдан диний йўлга бурилиб кетар? Шунда ҳеч қандай инқилобларсиз ислом "халифалиги"га эга бўламиз.

Ҳам дунёвий, ҳам диний ҳукуматнинг диний экстремизм кучайиб бораётганига ҳайратомуз даражада бефарқ эканликларининг асл сабаби шу эмасмикин?

**Эргаш ДАВЛАТБОЕВ.**
**Белый Парус.**

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## BOLALIK BOG`I

# KAKLIK SHO`RVA



Yangiariqqa o`qituvchi bo`lib kelganimning ilk kunlari edi. Maktab direktori tushlikka taklif qiluvdi, yo`q demadim. Darvozaxonada shiringina qizcha kaklik jo`jasini ko`targanicha, peshvoz chiqdi.

– Assalom, keling!

Rustam aka:

– Mening qizalog`im, ismi Diloro, – deya tanishtirdi. Otasi:

– Qizim, so`riga ko`rpacha! – deyishi bilan u ortga qaytdi-yu, qo`lidagi qushcha mayin ovoz chiqarib, havoga ko`tarildi. Ko`z uzolmay qoldim. Qiziq, nega unday qildi?

Taajjubimni ko`rib:

– Qaytib keladi, – dedi Rustam aka kulib. – Xonaki desak ham bo`ladi. Qizaloqqa juda ko`nikib qolgan... Asti qo`yavering! Kep tursangiz, muallimjon, o`z ko`zingiz bilan ko`rasiz!

...Qizcha bilan qushcha birga o`ynar, ovqatlanar, ikki jajjigina vujudning shu darajada bir-biriga mehr qo`yishi yuragimni to`lqinlantirdi.

Kaklik menga ham o`rganib, kaftimni ochsam, kelib qo`nadigan bo`ldi. Qo`limga olib, qop-qora ko`zlariga havas bilan tikilardim. Diloro chapak chalgancha:

*Mening go`zal kakligim,*
*Qah-qah urib kelodi.*
*Taroq urib sochiga,*
*G`amza qilib kelodi!*

– deb kuylar, qushcha esa u tomon xush xirom aylar, chiroyli qadam bosishi har qanday odamni maftun etar, zavq-shavqqa to`la mening yuragim esa qizchaga jo`r bo`lgisi, xirgoyi qilgisi kelardi...

Bir kuni:

– Solimjon, ketdik! – dedi Rustam aka qo`limdan tutib.

– Uzr, Nu'mon aka taklif qilgandiku?!

– Biznikiga borishingizni unga aytdim. Sho`rva tayyor.

– Sho`rvangizni...

– E, uka, bu galgisi boshqacha. Oldimga tush!

Hovliga kirishimiz bilan yoqimli hid dimoqqa urilib, ishtahani qitiqladi. O`tirdik, sho`rva ham keldi.

– Qanday, mazalimi?

Tatib ko`rarkanman:

– Oh-oh! – dedim. – Haqiqatda ham boshqacha!

Diloroning ovozi eshitildi:

– Ichmayman dedim-mi, ichmayman!

Rustam aka esankirab qoldi. Mening yuragim ham bezovta ura boshladi: "Nima bo`ldi?"

– Qizim, mehmon bor! – onasi bezovta bo`lib, Diloroni tinchlantirishga urindi.

– So`yib tashlasin meniyam!

– E, nima deyapti u? – Rustam aka pirishonhol qo`zg`aldi. Ortidan chiqdim.

– Nima bo`ldi, qizalog`im?

– Ishni qip qo`yib..., – qizchaning ko`zi menga tushdi-yu, – dadam... kaklikni so`ydilar! – deb yig`lab yubordi.

Butun vujudim bo`shashib ketdi. Sho`rva zahar bo`ldi. Rustam akaga qaradim.

– Kasal bo`p qolgandi, – pichirladi Rustam aka va qiziga yuzlandi, – kapkatta qizsan, Diloro, tushun!

– Nimani tushunay?

– Bolam...

– Hm, kasalmish. Tuzalib ketishini kutdingizmi? Pichoq oldingiz shoshapisha.

– Harom o`lishi mumkin edi!

– Meniyam o`ldiring!

Diloroga iltijo bilan boqdim:

– Bo`lgan ish bo`pti, Dilorojon. Tog`da nima ko`p...

– Shu bugunoq topib kelaman, – so`z berdi Rustam aka, – undan-da chiroylisini!

– Keragi yo`q, – qizchaning ko`zlaridan yosh quyilib, alam-iztirobdan qaltirar edi. – O`zimnikini topib bering! Bo`lmasa... – Diloro yig`laganicha darvoza tomon yugurib ketdi.

– Qizalog`im, to`xta! Hoy, qayoqqa?!

...Qorovulimiz Nu'mon akaning o`g`li Jabbor bilan nonushta qilayapmiz.

– Oling!

– Oldim, ukajonim.

– Hech narsa yemadingiz.

– Kaklik sho`rva ichib maza qilgan ekanmiz...

– Ha-a, direktorning uyidami? Shuni aytmaysizmi. Boshqacha-da, kaklik jonivorning go`shti.

Xo`rsiniq bilan kaklik egasini – rangi so`lg`in, qovoqlari shishgan, beg`ubor bolaligini, eng go`zal narsasini yo`qotganidan o`ziga kelishi qiyin kechayotgan Diloroni esladim.

**Muhammad SHODIY.**

## ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ

# АСОМ ҒАДАНГ КИНОЯ ҚИЛДИ

– Отам раҳматлининг бир ҳикоясини бутун умр унутолмай келаяпман...

Ҳалим дорбознинг бу гапи даврани қизиқтириб қўйди.

– Бу ҳикояни отам бобаларидан эшитган эканлар. У киши бўй етиб, ўз хўжаликларини йўлга қўйиш, уй-жой солиш ҳаракатига тушиптилар. Қишлоқнинг бир чеккасидаги дўнгликни мўлжаллаптилар. Этакда катта сой ҳайқириб оқаркан. "Шошма, – депти оталари. – Иш бошлашдан олдин ўнбошининг олдидан ўтайлик". Бироқ, ўнбоши элликбошига, у юзбошига рўпара қилипти. У "Тўрам билан бир маслаҳатлашай" – депти. Хуллас, иш битмапти. Отам: "Бувам кетди, дадам кетди, мен қартайдим, бироқ ўша дўнгликни ҳали-ҳануз янтоғу чақиртиканак босиб ётипти", – деганди.

Дорбознинг ҳикояси улфатларга қаттиқ таъсир қилди. Ҳамма хаёл сурганича, ўтириб қолди.

– Тўрачилик – шунчалик, – деди ниҳоят Дорбоз. – Бор отангга, бор онангга қабилидаги иш тутуми оз бўлса-да, ҳамон учраб турибди.

– Биласиз, ўғлим ижро назорати идорасида, – салмоқланди Қобил мўйлов. – Қисқа фурсатда сансалорлик, сунъий бюрократик тўсиқлар келтириб чиқариш ҳолларига оид 13 та мурожаатнома олдик, дейди.

– Суд фаолиятидаги ноқонуний хатти-ҳаракатларни айтмайсизми, – деди овозини дўриллатиб Оқил чечан. – Қўшним, Алижон фермер беш йилдан буён хўжалик судига қатнайди. Бир судья ишни кўриб, асоссизлиги учун ҳал қилув қарорини бекор қилади, иккинчиси яна даъвогарни қўллаб, ажрим чиқариб беради.

– Тунов куни қизиқ бўлди, – Асом ғаданг кулимсиради. – Суд ижрочисидан дағдағали хат олдик. Ичимлик сувидан қарзингиз бор, келиб тўламасангиз, энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида жаримага тортиласиз, деб ёзибди. Эринмай бордим. У ердан ичимлик суви идорасига юборишди. Учрашсам, текшириб кўриб, қарзингиз йўқ, дейишди. Суриштирсам, ўғлим сув ҳақини тўлаганидан ҳафта-ўн кун кейин судга ҳужжат тайёрлашган экан. Идора битта. Лекин бу хонадаги ишнинг боришидан нариги хонадаги маъмур бехабар.

– Айрим маъмурларнинг тўрачилиги, беписандлиги, расмиятчилиги баъзиларни қийнаяпти, – суҳбатга қўшилди Акмал домла. – Кеча бир йиғинда қатнашдим. Маърузачи айтган гапларни эшитиб, тепа сочим тикка бўлиб кетди. Қисқа фурсатда олинган мурожаатномаларнинг деярли тенг ярмини турли идора ходимлари фаолиятидаги сансалорлик келтириб чиқарипти.

Ғаданг улфатларининг хаёлини бўлмаслик учун бир муддат ўзини босиб ўтирди-ю, лекин охири чидаёлмади. Ахир, кечаги воқеа ҳаммасидан ошиб тушди-да. Уни декларация топширмаганликда айблаб, Зангиота туман давлат солиқ инспекциясига чақиришипти. Хатга ўша идора раҳбарининг ўринбосари жимжимадор имзо қўйипти. "Бу энди ўта жиддий гап" ўйлади Ғаданг. У уч-тўрт автобус алмаштириб, Калас отлиғ шаҳарга етиб борди.

– 2010 йилги даромадингиздан тўлиқ солиқ тўламагансиз, акахон, – деди бош мутахассис ёқимсиз бир оҳангда. – Даромадингизни яширгансиз.

Ғадангнинг чап қоши кўтарилиб кетди, мўйлаби учиб тушди. Лекин ўзини қўлга олди:

– Декларацияни апрель ойидаёқ топширганман, – деди. – Ходимингиз солиқни кам ушлашипти, деб 46 минг қўшимча тўлашга патта ҳам ёзиб берган. Шу бинонинг ўзида ўша кемтикни ҳам тўлдирганман.

– Ёлғон гапирманг! – деди ходима. – Ҳеч қандай ҳисоб-китоб қилинмаган, акахон.

Ғадангнинг энсаси қотди, лекин сиртига тептирмади. Фақат:

– Компьютерингизни очиб кўринг, – деди босиқлик билан.

– Компьютерда сизга таллуқли ёзув йўқ.

Ғаданг ҳам гапдан қолмади:

– Ходимингиз ҳисоб-китобларни ҳужжатлаштириб, кўз олдимда папкага тикиб қўйган.

– Уч юз минг солиқ тўловчи орасидан ўша қоғозларни қидиришга вақт борми, акахон...

Қўнғироқдек бу овоз Ғадангнинг тоқатини тоқ қилди:

– Менга тўғри муомала қилинг, – деди мўйлаби учиб. – Сиз ўйлаган ёшдан ўтганимга анча бўлган.

Бош мутахассис ялт этиб қаради, лекин индамади. Ғаданг жаҳл аралаш яна бир гап қилди:

– Қоғоз титишми, компьютерни кавлаштиришми – вазифангиз. Хато қилиндими – тузатасиз.

Компьютер экрани липиллай бошлади. Бу хийла фурсат давом этди. Ғаданг ҳам сабр-тоқат билан кутди.

– Декларация бўйича ҳисоб-китоб қилган ходимимиз янглишган экан, – деди ниҳоят мутахассис. Энди овозида ҳалиги ёқимсиз оҳанг йўқ эди. – Сиздан 44 минг сўм қўшимча солиқ нотўғри ундирилган. Аксинча, ишхонангиз ҳам 12 минг сўм ортиқча солиқ ушлаб қолган экан. Ҳаммаси бўлиб, солиқ идорамиз сиздан 56 минг сўмдан кўпроқ қарздор экан, – хулоса қилди ходима.

– Иш мана бундоқ бўлипти, – Ғаданг ўрнидан қўзғалди. – У деб-бу деб, ўйлаб-ўйламай, одамларни овораи сарсон қиласизлар.

– Ўзингиз зиёли одамга ўхшайсиз, тушунасиз... – ялпизлади ходима.

– Ишга бунинг дахли йўқ! – яна портлади Ғаданг. – Нима, оддий ишчи бўлсам, хатоингизни тузатмасмидингиз?! Яхшиси, қарзни қандай узишни ўйланг.

...Бу ҳикоя улфатларга қаттиқ таъсир қилди. Ишдаги юзакичилик баъзи идораларда пўрим ходиму ходималар ҳузурларига келган одамларга "ундай ҳужжат етишмайди", "бундай маълумотнома олиб келинг" деб овора қилганлари қилган. Ана, Соли хўроз икки ойдан буён пенсиясини ололмаяпти. Бир чеккада миркуруқ ўтирипти. Кейинги пенсия оширилишида ишхонасида туман пенсия жамғармасига учрашиб, пенсиясига қанча қўшилганини ҳақида қайднома олиб келишни сўрашипти. Бу энди – заруркият. У ерга борса, ишхонангиз ҳисоб рақами, ИННси, МФОси ҳақида маълумотнома тайёрлаб берсин, дейишипти. Хуллас, унга бор-бунга учраш деган гаплар билан вақт ўтиб, пенсия тўлаш муддати кечикипти. Ана энди Хўрознинг аҳволини кўринг.

– Бу – ҳеч гап эмас.

Ҳамма Хошим миробга саволомуз қаради. Даврадаги гангур-гунгур тинди.

– Қизиқ бўлди, – деди Мироб қаддини тиклаб ўтиргач. – Почтачи уйга бир конверт ташлаб кетди. Очиб ўқисак, мулла Асомиддинни чақирган солиқ идорасидан экан. "Биз шахсий машинангизни ижарага бериб қўйиб, йўловчи ташишдан қўшимча даромад олаётганингиз тўғрисида маълумотга эгамиз, – деб ёзишипти. – Шу ҳисобдан дарҳол солиқ тўлашингиз керак, акс ҳолда..." деб ёзишипти. У ёғини ўқиёлмадим, кўз олдим қоронғулашиб, айвон зирҳига ўтириб қолдим. Набирам у ёғини ўқиб тушунтирди. У ёғи судмишми-ей...

Улфатлар дилтанг қолишди. Чунки ҳаммалари Мирободнинг аҳволи-тирикчилигини яхши билишади. Унинг остонасига енгил машина тугул эшак аробанинг ҳам изи тушмаган.

– Бундай идорадагиларнинг боши омон бўлса, ҳеч ким бекор қолмайди, зерикмайди, – киноя қилди Ғаданг. – Яхшиямки булар бармоқ билан санарли. Аксарият ходимлар ишингизни енгил, мушкулингизни осон қилишга интилишади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

## РАССОМ ХАНДАСИ




**"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2012 йил 8 февраль № 11-сонида чоп этилган: "Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 30 июнда Тулаганова Гулчеҳра Захитовна номига берилган № 549 рақамли адвокатлик гувоҳномаси йўқолганлиги" тўғрисидаги эълон БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан "DIOGANALTEKSTIL SAVDO" МЧЖга Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 14-мавзе, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 11 ва 12-уйлар оралиғидаги Савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун берилган № 10010701010215 реестр рақамли ер кадастр ҳужжатлари ва О`Y № 213630 серияли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Совместное предприятие Закрытого Акционерного общества СП ЗАО "SOYUZPROM", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства Министерства Юстиции г. Ташкента № 3370 от 19.04.2004г. (ИНН 204092947, ОКПО 18557393) в соответствии с протоколом собрания учредителей № 1 от 27.01.2012г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: 100000, г. Ташкент, Юнусабадский район, пр. Амира Тимура, д. 60. Тел.: 235-68-91.

Утерянный аттестат № 677576, выданный в 1981 году школой № 10 Ахангаранского района Ташкентской области на имя Новохатько Татьяны Дмитриевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти томонидан 1993 йил 23 мартда Мамасолиев Абдихалимжон Ахунович номига берилган ШВ – 631274 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 10.03.2010 йилда рўйхатга олинган (ИНН 489947654) "Розметов Файзулла Холмуратович" якка тартибдаги тадбиркорга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли билан **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"DILKASH SAVDO SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 90000000 сўмдан 2600000 сўмга камайтирилади.

"FAXR TEX PRODUCT" хусусий корхонасининг ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгариб, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Равшан ОМОНОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-242. Адади 15404. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 12345